

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2023 йил май ойининг 17 куни жиноят ишлари бўйича Иштихон туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи, судья К.Пансатов, судья ёрдамчиси Ф.Сувановнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Иштихон туман прокурорининг ёрдамчиси А.Султонов, судланувчи У.Хонназаров ва унинг ҳимоячиси – Самарқанд шаҳар “Evicsiya Qomus” адвокатлар ҳайъатининг адвокати С.Дониёров, судланувчи Ф.Турсунов ва унинг ҳимоячиси – Самарқанд шаҳар “Samarqand qonunchilari” адвокатлар ҳайъатининг адвокати А.Хушназаровларнинг иштирокида, судланувчи Хонназаров Уктам Тиркашевич ва Турсунов Фарход Шакарбоевичларга оид 1-1407-2301/48-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

1. Судланувчи: Хонназаров Уктам Тиркашевич, (Xonnazarov Uktam Tirkashevich) 1964 йил 27 ноябрь куни Самарқанд вилояти, Иштихон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, беш нафар фарзандлари бор, муқаддам: жиноят ишлари бўйича Каттақўрхон туман судининг 2022 йил 8 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 192¹¹-моддаси 2-қисми “а” банди ва 228-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 59-моддасига асосан базавий ҳисоблаш миқдорининг 80 баравари, яъни 21.600.000 сўм жарима жазоси тайинланган, жарима тўлиқ тўланган, “Сафарбой Тиркашев” фермер ҳўжалиги раиси, Иштихон тумани, “Сохибкор” МФЙга қарашли, “Болқи” қишлоғида яшайди, унга нисбатан “Гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2023 йил 7 март куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 189-моддаси 1-қисми, 228-моддаси 2-қисми “а” банди ва 228-моддаси 3-қисми билан;

2. Судланувчи: Турсунов Фарход Шакарбоевич, (Tursunov Farhod Shakarboyevich) 1974 йил 20 сентябрь куни Самарқанд вилояти. Иштихон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, тўрт нафар фарзандлари бор, муқаддам: жиноят ишлари бўйича Иштихон туман судининг 2016 йил 5 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 227-моддаси 2-қисми “а” банди ва 227-моддаси 2-қисми “б,в” бандлари билан ЖКнинг 59-моддасига асосан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, Ўзбекистон



Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2015 йил 3 декабрь кундаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги қарорининг 2-бандига асосан тайинланган жазодан озод қилинган, “Акобир Агро хизмати” фермер хўжалиги раиси, Иштихон тумани, Митан қўрғони, Гулистон кўчаси, 21-уйда яшайди, унга нисбатан “Гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 7 март кун олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 189-моддаси 1-қисми, 228-моддаси 2-қисми “а” банди ва 228-моддаси 3-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини суд мажлисида атрофлича таҳлил қилиб, тарафларнинг музокараси ва судланувчиларнинг охирги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Хонназаров Уктам Тиркашевич, “Сафарбой Тиркашев” фермер хўжалиги раҳбари лавозимида ишлаб келиб, ғаразгўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаб, ноқонуний йўллар билан шахсий бойлик орттиришни мақсад қилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 июлдаги “Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликлариغا улар томонидан етиштирилган ва сотилган маҳсулотлар учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 434-сонли Қарорига асосан чорвачилик хўжаликлариغا улар томонидан етиштирилган ва сотилган гўшт маҳсулотлари учун ажратилган субсидияларни олувчи, яъни қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида солиқ органларида рўйхатдан ўтган ва қўшилган қиймат солиғидан қарздорлиги мавжуд бўлмаган, шунингдек, контрагентларни танлашда лозим даражада эҳтиёткор бўлган чорвачилик хўжаликлари ҳамда ушбу йўналишда фаолият кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият олиб бориши давомида 2021 йил 1 июнь кунидан 2022 йил 1 июль кунига қадар бўлган даврда реализация қилинган тирик вазндаги 484 219,1 кг. гўшт маҳсулот учун жами 1.886.896.400 сўм миқдорида субсидия маблағлари ажратилишига эришган.

Шундан сўнг, жуда кўп миқдордаги субсидия маблағлари ажратилганлиги ҳолатидан ўзининг олдиндан ўйланган жиноий режа асосида фаол ҳаракат қилиб, раҳбарлигидаги фермер хўжалиги томонидан 2021 йил 1 июнь кунидан 2022 йил 1 июль кунига қадар бўлган даврда жами 190.025 кг. гўшт маҳсулотларини реализация қилинганлиги ҳақида жами 6.899.853.600 сўмлик бир томонлама ҳисоб-фактуралар расмийлаштириб, ушбу расмийлаштирилган бир томонлама ҳисоб-фактураларга ғаразгўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаган ҳолда гўёки қўшимча 59.860 кг. тирик вазндаги 1.185.240.000 сўмлик гўшт маҳсулотлари реализация



қилинганлиги ҳақида такроран сохта маълумотлар киритиб, аслида ушбу миқдордаги гўшт реализациясини амалга оширмасдан, чорвачилик тармоқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган жуда кўп миқдордаги 239.442.400 сўмлик субсидия маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Бундан ташқари, судланувчи Хонназаров Уктам Тиркашевич, “Сафарбой Тиркашев” фермер хўжалиги раҳбари лавозимида ишлаб келиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 июлдаги “Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларига улар томонидан етиштирилган ва сотилган маҳсулотлар учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 434-сонли Қарори асосида субсидия маблағлари ажратилган давр мобайнида 9 та бир томонлама расмийлаштирилган ҳисоб-фактура орқали жами 5.714.613.600 сўмлик 190.025 кг. миқдордаги гўшт маҳсулотларини нақд пулда сотиб, ушбу гўшт маҳсулотларини сотишдан тушган нақд пул маблағларини хизмат кўрсатувчи банк муассасасига қасддан топширмасдан ҳамда назорат касса машиналари ёки онлайн назорат касса машинаси хотирасига ўтказмасдан, савдо кўрсатиш қоидаларини 5.714.613.600 сўмлик жуда кўп миқдорда бузган.

Судланувчи Турсунов Фарход Шакарбоевич, “Акобир агро хизмати” фермер хўжалиги раҳбари лавозимида ишлаб келиб, ғаразгўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаб, ноқонуний йўллар билан шахсий бойлик орттиришни мақсад қилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 июлдаги “Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларига улар томонидан етиштирилган ва сотилган маҳсулотлар учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 434-сонли Қарорига асосан чорвачилик хўжаликларига улар томонидан етиштирилган ва сотилган гўшт маҳсулотлари учун ажратилган субсидияларни олувчи, яъни қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида солиқ органларида рўйхатдан ўтган ва қўшилган қиймат солиғидан қарздорлиги мавжуд бўлмаган, шунингдек, контрагентларни танлашда лозим даражада эҳтиёткор бўлган чорвачилик хўжаликлари ҳамда ушбу йўналишда фаолият кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият олиб бориши давомида 2021 йил 1 июнь кунидан 2022 йил 1 июль кунига қадар бўлган даврда реализация қилинган тирик вазндаги 234.196,4 кг. гўшт маҳсулот учун жами 930.824.000 сўм миқдорида субсидия маблағлари ажратилишига эришган.

Шундан сўнг, жуда кўп миқдордаги субсидия маблағлари ажратилганлиги ҳолатидан олдиндан ўйланган жиноий режа асосида фаол ҳаракат қилиб, раҳбарлигида фермер хўжалиги томонидан 2021 йил 1 июнь кунидан 2022 йил 1 июль кунига қадар бўлган даврда жами 96.630 кг. гўшт маҳсулотларини реализация қилинганлиги ҳақида жами 3.482.100.000 сўмлик бир томонлама ҳисоб-фактуралар расмийлаштириб, ушбу расмийлаштирилган бир томонлама ҳисоб-фактураларга ғаразгўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаган ҳолда гўёки қўшимча 61.369,4 кг. тирик вазндаги гўшт маҳсулотлари реализация қилинганлиги ҳақида такроран



сохта маълумотлар киритиб, аслида ушбу миқдордаги гўшт реализациясини амалга оширмасдан, чорвачилик тармоқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган жуда кўп миқдордаги 239.624.000 сўмлик субсидия маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Бундан ташқари, судланувчи Турсунов Фарход Шакарбоевич, “Акобир агро хизмати” фермер хўжалиги раҳбари лавозимида ишлаб келиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 июлдаги “Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжалик-ларига улар томонидан етиштирилган ва сотилган маҳсулотлар учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 434-сонли Қарори асосида субсидия маблағлари ажратилган давр мобайнида 4 та бир томонлама расмийлаштирилган ҳисоб-фактура орқали жами 3.482.100.000 сўмлик 96.630 кг. миқдордаги гўшт маҳсулотларини нақд пулда сотиб, ушбу гўшт маҳсулотларини сотишдан тушган нақд пул маблағларини хизмат кўрсатувчи банк муассасасига қасддан топширмасдан ҳамда назорат касса машиналари ёки онлайн назорат касса машинаси хотирасига ўтказмасдан, савдо кўрсатиш қоидаларини 3.482.100.000 сўмлик жуда кўп миқдорда бузган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи У.Хонназаров айбига умуман иқрорлик билдирмасдан, ўз кўрсатувида қуйидагиларни, яъни у 2020 йил 23 сентябрь кунидан “Сафарбой Тиркашов” фермер хўжалигига ўзи раислик қилиб келишлиги, мазкур фермер хўжалиги кўп тармоқли чорвачилик фаолияти билан шуғулланишлиги, фермер хўжалигига субсидия маблағлари ажратилиши ва ушбу маблағлар сарфланиши қуйидаги тартибда амалга оширилганлиги, яъни, гўшт маҳсулотлари сотиб олувчи корхоналар билан дастлаб шартнома тузилиши, ушбу шартномага асосан фермер хўжалиги томонидан ҳисоб-фактура асосида гўшт маҳсулотлари етказиб берилишини, ушбу ҳужжатлар туман солиқ органларига ҳисоботи берилиши, субсидия маблағлари ажратилиши учун ташкилот томонидан берилган аризага асосан, мазкур солиқ ҳисоботлари ва бошқа тегишли ҳужжатлар комиссия томонидан кўриб чиқилиб, субсидия маблағлари ажратиб берилишлиги, “Сафарбой Тиркашов” фермер хўжалиги фаолиятини тўлиқ ўзи юритиб келиб, фаолияти бўйича молхоналар барпо этиб, унда ҳозирги кунга қадар боқувли чорва моллари мавжудлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 июлдаги “Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларига улар томонидан етиштирилган ва сотилган маҳсулотлар учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 434-сонли Қарори чиқарилиб, унга кўра тадбиркорларга янада кенг имкониятлар яратиб берилиб, мазкур қарор асосида мўлжал қилинган гўшт маҳсулотларини реализация қилишга қурби етишлиги, у мазкур қарорга асосланган ҳолда 2021 йил 1 июнь кунидан 2022 йил 1 июль кунига қадар бўлган даврда фуқароларга жами 6.899.853.600 сўм нақд пул маблағларига гўшт маҳсулотларини сотганлиги, лекин нақд пулларни банк кассасига кеч топширганлиги, кеч топширган бўлса ҳам ҳисоботларида тўлиқ кўрсатганлиги, яширмаганлиги, ҳақиқатдан ҳам уни раҳбарлигидаги фермер хўжалиги томонидан 2021 йил 1 июнь



кунидан 2022 йил 1 июль кунига қадар бўлган даврда жами 190.025 кг. гўшт маҳсулотларини реализация қилинганлиги ҳақида жами 6.899.853.600 сўмлик ҳисоб-фактуралар расмийлаштирилганлиги, лекин у тўлиқ ушбу миқдордаги гўшт маҳсулотларини реализация қилинганлиги бўйича пул маблағларини тўлиқ банк ҳисоб рақамига кирим қилишга улгурмаганлиги, кейинчалик ушбу ҳолатларни тўлиқ бартараф қиламан деб ўйлаб, ҳисоб-фактураларга шу мазмундаги маълумотларни киритганлиги, ҳақиқатдан ҳам ҳам вақтида топширмаганлиги, чунки, нақд пулда сотилган маҳсулотлар асосан фуқароларга сотилган бўлиб, барча нақд пулларни йиғиб олишига вақт кетганлиги, шу сабабли у нақд пулни ўз вақтида банк муассасасига топширолмаганлиги, лекин кейинчалик барча нақд пулларни у банк муассасасига топширилишини таъминлаганлиги, бу ҳақида тергов органига банкнинг тегишли маълумотномасини ҳам тақдим қилганлиги, худди шундай, айбловдаги субсидани барчаси гушт учун эмас буни ичида сут маҳсулотлари учун ҳам чиққанлари бўлганлиги, касса аппаратини 2022 йил 2 август куни олганлиги, унга охирги субсидия маблағи 2022 йил май ойида чиққанлиги, тафтиш ўтказилган далолатнома билан танишиб чиққанида субсидия карам маҳсулотига ҳам чиққанлиги ёзилганлиги, бироқ у чорва билан шуғулланганлиги, унда карам маҳсулоти умуман бўлмаганлиги, гушт маҳсулотини аҳолига сотганида касса аппарати бўлмаганлиги, у 190.025 кг. гўшт маҳсулотларини қўшхонага мол олиб бориб, сўйдирганлиги, қўлида 4-5 нафар қассоблари ҳам бўлганлиги, гоҳида уни вақти бўлмаганида қора молларини қассоблари олиб бориб сўйганлиги, балким қайд дафтарига ўзини исми шарифини ёздирган бўлиши мумкинлиги, субсидия улар молни сўйиб сотганлиги тўғрисида ҳисоботини бергандан сўнг ажратилиши, ҳисоботида уларни гушт пулини олган олмаганликлари кўрсатилмаслиги, шартномада гушт пулларини 90 кун ичида берилиши кўрсатилганлиги, касса аппаратини олиш уларга юклатилган бўлсада бироқ касса аппаратини олиш жуда муаммо бўлиб келганлиги, у сотган жами 190.025 кг. гўшт маҳсулотларини пуллари уни ҳисобига 12 марта бўлиб-бўлиб тушганлиги, пуллар вақтида уни ҳисобига келиб тушмаганлиги сабабли кеч топширилганлиги, дастлабки тергов томонидан қўйилган айблов нотўғри эканлиги, субсидия ажратилиш тўғрисидаги низомда маҳсулотни пули кеч топширса нотўғри ажратилган ҳисобланиши кўрсатилмаганлиги, касса аппарати бўлмаганидан сўнг фуқароларга бир тамонлама шартнома қилиб тузганлиги, бу эса ҳужжатни сохталаштиришга кирмаслиги, шу сабабли қонуний кўриб чиқишни сўраб, баён қилди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Ф.Турсунов айбига умуман иқрорлик билдирмасдан, ўз кўрсатувида қуйидагиларни, яъни у 2019 йил август ойида “Акобир агро хизмати” фермер хўжалиги ташкил этиб, унга ўзи раислик қилиб келишлиги, мазкур фермер хўжалиги кўп тармоқли чорвачилик фаолияти билан шуғулланишлиги, фермер хўжалигига субсидия маблағлари ажратилиши ва ушбу маблағлар сарфланиши қуйидаги тартибда амалга оширилиши, яъни, гўшт маҳсулотлари сотиб олувчи корхоналар билан дастлаб шартнома тузилиши, ушбу шартномага асосан



фермер хўжалиги томонидан ҳисоб-фактура асосида гўшт маҳсулотлари етказиб берилиши, шундан сўнг, ушбу ҳужжатлар туман ҳокимиятига тақдим этилиши, кейин комиссия томонидан кўриб чиқилиб, субсидия маблағлари ажратиб берилиши, у “Акобир агро хизмати” фермер хўжалиги фаолиятини тўлиқ ўзи юритиб келиб, унинг фаолияти бўйича молхоналар барпо этиб, унда ҳозирги кунга қадар боқувли чорва моллари мавжудлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 июлдаги “Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларига улар томонидан етиштирилган ва сотилган маҳсулотлар учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 434-сонли Қарори чиқарилиб, унга кўра тадбиркорларга янада кенг имкониятлар яратиб берилиб, мазкур қарор асосида мўлжал қилинган гўшт маҳсулотларини реализация қилишга қурби етишлиги, у мазкур қарорга асосланган ҳолда 2021 йил 1 июнь кунидан 2022 йил 1 июль кунига қадар бўлган даврда фуқароларга жами 3.482.010.000 сўм нақд пул маблағларига гўшт маҳсулотларини сотганлиги, лекин нақд пулларни банк кассасига кеч топширганлиги, кеч топширган бўлса ҳам ҳисоботларида тўлиқ кўрсатганлиги, яширмаганлиги, ҳақиқатдан ҳам уни раҳбарлигидаги фермер хўжалиги томонидан 2021 йил 1 июнь кунидан 2022 йил 1 июль кунига қадар бўлган даврда жами 61.369.4 кг. гўшт маҳсулотларини реализация қилинганлиги ҳақида ҳисоб-фактуралар расмийлаштирилганлиги, лекин у тўлиқ ушбу миқдордаги гўшт маҳсулотларини реализация қилишга улгурмаганлиги, кейинчалик ушбу ҳолатларни тўлиқ бартараф қилишини ўйлаб, ҳисоб-фактураларга шу мазмундаги маълумотларни киритганлиги, бироқ, 61.369.4 кг. тирик вазндаги гўшт маҳсулотларини реализация қилишга имкони бўлмаганлиги, ушбу келограммга нисбатан унга 239.624.000 сўм субсидия маблағлари ортиқча ҳисобланганлиги аниқланганлиги, нақд пулда сотилган маҳсулотлар асосан фуқароларга сотилган бўлиб, барча нақд пулларни йиғиб олиш учун вақт кетганлиги, шу сабабли у нақд пулни ўз вақтида банк муассасасига топширолмаганлиги, лекин кейинчалик барча нақд пулларни банк муассасасига топширганлиги, бу ҳақида тергов органига банкнинг тегишли маълумотномасини ҳам тақдим қилганлиги, шу миқдордаги гўшт маҳсулотлари реализация қилинганлигини у солиқ органларига топширган ҳисоботларида тўлиқ кўрсатиб ўтганлиги, яъни, реализация миқдорини яширмаганлиги, уни бу ҳолатдаги айби фақат пулни кеч топширганлиги, у касса апаратини олиш учун 2022 йил 21 октябрь куни шартнома қилганлиги бироқ ҳозирги кунга қадар касса апаратни етказиб берилмаганлиги, охириги субсидия маблағи унга 2022 йил май ойида олганлиги, гўшт маҳсулотини нақд пулга сотганлиги, сотган гўшт маҳсулотларини пулини фуқароларда кеч олиб кейин топширганлиги, гўшт маҳсулотини фуқароларга сотишда бир тамонлама шартнома тузиб нақд пулга сотганлиги, корхона ёки ташкилот бўлса икки томонлама шартнома тузилишлиги, унга субсидия ажратилишида уни касса апарати бўлмаганлиги, субсидия ажратилиш тўғрисидаги низомда маҳсулотни пули



кеч топширса нотўғри ажратилган ҳисобланиши кўрсатилмаганлиги, касса аппарати бўлмаганидан сўнг фуқароларга бир тамонлама шартнома қилиб тузганлиги, бу эса ҳужжатни сохталаштиришга кирмаслиги, қонуний кўриб чиқишни сўраб баён қилди.

Судланувчи У.Хонназаров ва Ф.Турсуновлар суд мажлисида гарчи ўз айбларига умуман иқрорлик билдирмасдан кўрсатув берган бўлса-да, бироқ уларнинг жиноят содир этганликдаги айби қуйидаги объектив далиллар йиғиндиси билан ўз исботини топади.

Суд мажлисида дастлабки терговдаги кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган фуқаровий даъвогар А.Ташкулов ўз кўрсатувида қуйидагиларни, яъни Самарқанд вилоят Давлат молиявий назорати бошқармаси томонидан ўтказилган ҳужжатли тафтиш натижасида қуйидагилар аниқланганлиги, жумладан, Иштихон туманидаги “Сафарбой Тиркашев” фермер хўжалигига 2021 йил 1 июндан 2022 йил 1 июлгача бўлган даврда реализация қилинган тирик вазнга айлантирилган 484.219,1 кг. гўшт маҳсулоти учун давлат бюджетидан жами 1.886.896.400 сўм субсидия маблағлари тўлаб берилган даврда ушбу фермер хўжалигининг ҳисоб-рақамига “Ботирбек” МЧЖдан 130.300.000 сўм, Иштихон туман МТБдан 613.902.500 сўм, “Акобир Агро Хизмати” фермер хўжалигидан 269.300.000 сўм ва “Ботирбекхон” МЧЖдан 900.000.000 сўм жами 1.913.502.500 сўм гўшт ва озиқ-овқат маҳсулотлари учун деб пул маблағлари келиб тушганлиги маълум бўлганлиги, “Сафарбой Тиркашев” фермер хўжалиги томонидан 2021 йил 1 июлдан 2022 йил 1 июлгача бўлган даврда бир томонлама расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактуралар орқали жами 190.025,0 кг. 6.899.853.600 сўмлик гўшт маҳсулотлари сотилган бўлиб, лекин ушбу даврда ҳисоб рақамига гўшт маҳсулотлари сотишдан тушган тушум деб нақд пул маблағи кирим қилинмаганлиги аниқланганлиги, “Сафарбой Тиркашев” фермер хўжалиги томонидан асосий ҳисоб рақамига гўшт маҳсулоти сотишдан тўланмай қолган маблағ ҳисобидан 2022 йил 1 июлдан сўнг тўланган маблағдан жами 1.185.240.000 сўм маблағ тирик вазни 59.860 кг. ташкил этиб, 239.442.400 сўм сотилган гўшт маҳсулотдан тушган маблағ ўз вақтида тўланмаганлиги учун субсидия маблағи ортиқча олинганлиги ҳисобланганлиги, ҳудди шу каби, “Акобир Агро Хизмати” фермер хўжалигига 2021 йил 1 июндан 2022 йил 1 июлгача бўлган даврда реализация қилинган тирик вазнга айлантирилган 234.196,4 кг. гўшт маҳсулоти учун давлат бюджетидан жами 930.824.000 сўм субсидия маблағлари тўлаб берилган бўлиб, Иштихон тумандаги “Лаззат Плюс” МЧЖ сўйиш корхонасида “Акобир Агро Хизмати” фермер хўжалигига қарашли Абдураимов Абдулла номи билан келтирилган йирик шохли ва майда шохли молларни ветеринария клиник тикширувидан ўтказиш учун юритилган дафтарда 2021 йил 25 майдан 2022 йил 31 декабрь кунигача бўлган даврда сўйилган жами 432 дона тирик вазни ўртача 400 килограммдан жами 172.800 килограмм учун 4.000 сўмдан 691.200.000 сўм субсидия маблағи ҳисобланиши лозим бўлсада “Акобир Агро Хизмати” фермер хўжалигига жами 239.624.000 сўм субсидия йирик шохли ва майда шохли молларни тирик вазнига нисбатан ортиқча олганлиги



ҳисобланганлиги, юқоридагиларга кўра, “Сафарбой Тиркашев” ҳамда “Акобир Агро Хизмати” фермер хўжаликлари мансабдор шахслари томонидан ортиқча ўзлаштирилган ва вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига тўланган пул маблағларини белгиланган тартибда бюджетга қайтарилишини таъминлашини сўраб баён қилган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Ж.Усаров ўз кўрсатувида қуйидагиларни, яъни у “Ўзбекчорванасл” Агентлиги таркибидаги “Худудий Чорванасл” Агентлиги Иштихон туман вакили лавозимида ишлашлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 июлдаги 434-сонли Қарори билан тасдиқланган “Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларга улар томонидан етиштирилган ва сотилган маҳсулотлар учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан “Ўзбекчорванасл” Агентлигининг таркибидаги “Худудий Чорванасл” туман вакиллари фаолият олиб бориб, Низом талабларига кўра, субсидия олувчилар ўз хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни сотишдан олдин Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг “my.vetgov.uz” сайти орқали худудий “Чорванасл” маркази туман вакилига ариза билан мурожаат қилишлиги, ўз навбатида “Худудий Чорванасл” туман вакили субсидия ажратиш билан боғлиқ ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиш учун комиссияга тақдим этишлиги, шундан сўнг, Низом талабларига кўра, “Худудий Чорванасл” туман вакили чорвачилик маҳсулотлари учун субсидия ажратилишини самарали ташкил этишни таъминлаш бўйича субсидия олувчининг етиштириб берадиган маҳсулотларини туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари раислигида ташкил этилган комиссиянинг барча аъзолари жойига чиққан ҳолда ўрганиб хулоса қилишлиги, комиссия таркибига туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи, туман агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси вакили, туман молия бўлими мудир, туман солиқ инспекцияси бошлиғи ҳамда “Худудий Чорванасл” туман вакилидан иборат бўлишлиги, хулоса қилиш учун “Худудий Чорванасл” туман вакили сифатида фақат у иштирок этганлиги, туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи, туман агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси вакили, туман молия бўлими мудир, туман солиқ инспекцияси бошлиқлари ҳам иштирок этишганлиги, айрим вақтларда туман агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими, туман молия бўлими, туман солиқ инспекциясидан масъул ходимлар иштирок этишганлиги, комиссия аъзолари томонидан хулоса тайёрланганда субсидия олувчининг чорвачилик аҳволи ўрганилиб, унда жами қанча миқдорда қора мол мавжудлиги, улардан қанчаси соғинли ва боқувдаги, уларга ажратилган иншоотлар, озуқаси ва бошқа шу каби маълумотлар прогнози тайёрланишлиги, ушбу прогноз ҳар кварталда бир маротаба тайёрланишлиги, шу қаторда субсидия олувчи қилинган прогноз асосида етказиб берилган маҳсулотлар учун тузилган шартнома ва ҳисоб-



фактураларини туман давлат солиқ инспекциясига тақдим қилиб боришлиги, ҳисоб-фактуралар электрон тарзда бўлишлиги, комиссия субсидия олувчининг аризасига кўра сотиладиган маҳсулотларни ўз хўжалигида етиштирилганлиги ва маҳсулотларнинг тегишли турлари бўйича беш иш кунда хулосани “my.vetgov.uz” сайти орқали электрон шаклда “Ўзбекчорванасл” Агентлигига тақдим этишлиги, агентликка хулоса комиссия аъзолари томонидан электрон имзоланган ҳолда комиссия раисига ўтказилиб, комиссия раиси томонидан электрон имзо билан тасдиқлангандан сўнг юборилишлиги, кейин “Ўзбекчорванасл” агентлик хулоса келиб тушган санада Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси ўртасида интеграция қилинган маълумотлар базасидан электрон тартибда фойдаланаб, натижасига кўра субсидия ажратилиши ёки ажратилмаслиги юзасидан беш иш кунда ариза берувчига электрон шаклда жавоб хати юборилишлиги, шундан сўнг, “Ўзбекчорванасл” Агентлик календарь йил мобайнида чорвачилик субъектларига ажратиладиган субсидиялар тўғрисидаги маълумотларни Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасига тасдиқлаш учун тақдим этишлиги ва улар Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан уч иш кунда тасдиқланишлиги, комиссия хулосаси ва солиқ органларининг маълумотлари ижобий бўлган тақдирда, электрон шаклдаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ахборот тизими орқали Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига юборилиши, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ахборот тизими орқали келиб тушган Агентликнинг хулосасини олгандан сўнг бир иш кунда бюджетдан шу мақсадга ажратилган маблағлар доирасида тегишли субсидия суммасини субсидия олувчининг банк ҳисобварағига ўтказишлиги, шунингдек, Низом талабларига кўра, субсидия қўшилган қиймат солиғидан қарздорлиги мавжуд бўлмаган, шунингдек, контрагентнинг солиқ органларида қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтган тақдирда ажратилиши, 2021 йил 1 июлдан 2022 йил 1 июлда “Сафарбой Тиркашев” ҳамда “Акобир Агро хизмат” фермер хўжалиги субсидия маблағлари нотўғри ажратилганидан хабари йўқлиги, у, ушбу фермер хўжаликларги қачон ва қанча миқдорда субсидия пул маблағлари ажратилганидан умуман хабари йўқлиги, чунки у фақат ўз ваколати доирасида субсидия олувчининг етиштириб берадиган маҳсулотларини прогноз хулосаси тайёрлашлиги, улар иқтисодий томондан фаолиятига аралашиш ёки бошқа тарзда иштирок этиш ваколатига эга эмаслиги ва уларга иштирок этмаганлиги, у субсидия ажратиш учун ўрганиш ўтказганида У.Хонназаровда 91 бош қорамоли, Ф.Турсуновда эса 41 бош қорамоли бўлганлиги, У.Хонназаров ва Ф.Турсуновларга субсидия чиқариш лозим топилганлиги учун субсидия ажратилганлиги, комиссия аъзолари ўзларини йўналиши бўйича хулоса



беришлиги, тумандан субсидия ажратилмаслиги, ажратилган субсидияни ким назорат қилишини билмаслиги, у дастлабки терговда У.Хонназаров ва Ф.Турсуновлар низомга зид равишда субсидия маблағини ўзлаштирган деб кўрсатма бермаганлиги, У.Хонназаров ва Ф.Турсуновларга субсидия маблағи нотўғри ажратилган деб ҳам кўрсатма бермаганлигини баён қилди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган қўшимча гувоҳ О.Мамаюсупов ўз кўрсатувида қуйидагиларни, яъни у қоссобчилик фаолияти билан шуғилланиб, бозордаги дўконда гўшт махсулотларини сотишлиги, у У.Хонназаров юборган қорамолларни қўшхонада сўйдириб кг. ажратиб тахлаб қўйишлиги, у тахлаб қўйган гўшт махсулотларини У.Хонназаровнинг набираси келиб олиб кетишлиги, У.Хонназаровга тегишли қорамолларни 4-5 та қассоблар сўйиб келишлиги, хафтасига ўртача У.Хонназаровнинг 3-4 та қорамоллари қўшхонада сўйилишлиги, бозор кунлари эса ўзини дўкони учун қорамол сўйишлиги, қолган вақт У.Хонназаровни қорамолларини сўйиб тахлаб бериш билан шуғилланиб келишлиги, қўшхонадаги қайд китобида унинг номига ёзилган 70 та қорамоллар аслида У.Хонназаровга тегишли бўлганлиги, ушбу сўйилган қорамолнинг гушт махсулотлари болалар боғчасига тарқатилганлиги, haftанинг душанба куни 2-3 та, чоршанба куни 1 та ва шанба куни 1 та қорамол сўйилиши, у эса сўйилган қорамолларнинг гушт махсулотларни бўлиб-бўлиб алоҳида қилиб торозидан ўтказган ҳолда ажратиб қўйишлиги, У.Хонназаров ёки набираси “Дамас” русумли автомашинасида ушбу гўшт махсулотларини олиб кетишлиги, унинг ўзи эса haftада бир марта бозор куни 1 бош қорамол сўйиб сотишлиги, У.Хонназаровга тегишли гўшт махсулотини ҳам дўконда сотиб пулини У.Хонназаровнинг ўзига бериб келганлиги, У.Хонназаровнинг бир бош қорамоли сўйилганида 400 кг.гача оғирликда бўлганлиги, Ф.Турсунов 2020 йилларда У.Хонназаровга тегишли қорамолларни сўйиганлиги, ҳозир бошқа қассоб сўйишлиги, Ф.Турсуновнинг 425 та қорамоли ичида У.Хонназаровга тегишли қорамоли ҳам бўлганлигини баён қилди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган қўшимча гувоҳ Ф.Усмонов ўз кўрсатувида қуйидагиларни, яъни у Самарқанд вилоят прокуратурасининг “Хужжатли тафтиш ўтказиш ҳамда хужжатларнинг асл нусхасини олиш ҳақидаги қарори ва Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармасининг 2022 йил 2 декабдаги 1976 ва 1977-хс-сонли буйруғи ҳамда ушбу буйруқ муддатини ўзайтириш тўғрисида 2023 йил 5 январдаги 3 ва 4-хс-сонли буйруғига асосан “Сафарбой Тиркашев” ҳамда “Акобир Агро хизмат” фермер хўжаликларида молиявий хўжалик фаолияти ҳамда солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан хужжатли тафтиш ўтказганлиги, текширишда “Сафарбой Тиркашев” фермер хўжалиги ҚҚС тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтганлиги, фермер хўжаликнинг 2021 йил 1 июндан 2022 йил 1 июлгача бўлган даврида бюджет олдидаги жорий боқиманда қарздорлиги жами 51.807.000 сўмни ва пеня суммаси 2.578.100 сўмни ҳамда ортиқча тўлов суммаси 1.179.014.400 сўмни ташкил этиб, шундан ҚҚС бўйича 1.120.966.800 сўм ортиқча тўлови мавжудлиги, солиқ рўйхатидан ўтмаган 86 та



контрагентларга реализация қилинган 406.914 кг. гўшт маҳсулотлари учун жами 1.627.600.000 сўмлик субсидия маблағларини ВМнинг 434-сонли қарори билан тасдиқланган низом талабларига зид равишда олганлиги ҳамда нақд пул тушими кирим қилинмаганлиги аниқланганлиги, ўтказилган хужжатли тафтишда фермер хўжалиги томонидан тақдим қилинган хужжатлар ва солиқ органида мавжуд маълумотларга кўра 2021 йил 1 июндан 2022 йил 1 июлгача 40 та расмийлаштирилган электрон ҳисобварақ-фактуралар орқали жами 11.737.550.300 сўмлик ҚҚСсиз 328.252,0 кг. гўшт маҳсулотлари сотилган бўлиб, шундан ВМнинг 434-сонли Низом талаблари асосида субсидия ажратилган ойларда 24 та расмийлаштирилган электрон ҳисобварақ-фактуралар орқали сотилган гўшт маҳсулотлари миқдори 225.475,0 кг. 8.032.946.000 сўм ҚҚСсиз ташкил этилганлиги аниқланганлиги, шунингдек, мазкур низомнинг 8-бандида “Чорвачилик маҳсулотлари электрон ҳисобварақ-фактуралар ва “онлайн” касса аппаратлари орқали сотилганда, сотилган маҳсулот номи (товар коди), электрон ҳисобварақ-фактуралар (савдо чеклари) шакллантирилади” 9-бандида “маҳсулотлар нақд пул ёки банк картаси (тўлов терминали) орқали сотиш бўйича “онлайн” касса аппаратларини ўрнатиш субсидия олувчилар зиммасига юклатилади” деб кўрсатилганлиги, шунингдек 9 та бир томонлама расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактуралар орқали жами 6.827.103.700 сўмлик ҚҚСсиз 190.025,0 кг. гўшт маҳсулотлари нақд пулда сотилганлиги аниқланганлиги, шунингдек, фермер хўжалиги ҳисоб рақамига гўшт маҳсулотлари сотишдан тушган тушум деб нақд пул маблағлари кирими мавжуд бўлмаганлиги аниқланганлиги, бир томонлама расмийлаштирилган электрон ҳисобварақ-фактуралар орқали нақд пулда сотилган гўшт маҳсулотлари НКМ ёки онлайн назорат касса машинаси хотирасидан ўтказилмаганлиги аниқланганлиги, шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 221-моддасига асосан талаб қилинган мажбуриятлар бажарилмаганлиги сабабли 5.000.000 сўм миқдорида жарима қўлланилиши лозим бўлганлиги, сотилган гўшт маҳсулотлари тушган нақд пул маблағлари ҳизмат кўрсатувчи банкка топширилмаганлиги ва НКМ ёки онлайн назорат касса машинаси хотирасига ўтказмаганлиги учун товарлар реализация қилишдан олинган тушим суммасини ва даромадини қасддан камайтириш деб ҳисобланиб, Солиқ кодексининг 223-моддасига асосан 20 фоиз 1.365.420.700 сўм жарима қўлланилиши ҳамда 15 фоизли ставка 1.024.065.600 сўм қўшилган қиймат солиғи ҳисобланиши лозимлиги аниқланганлиги, бундан ташқари Иштихон туман МТБ 11 та ҳисобварақ-фактура орқали жами 263.929.800 сўмлик ҚҚСсиз 4.366,0 кг. гўшт маҳсулотлари ҚҚС тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтмаганлиги, фермер хўжаликнинг ҳисоб рақамига ушбу даврда 1.886.896.400 сўм келиб тушганлиги аниқланганлиги, ВМнинг 434-сонли низомининг 2-боб 5-бандида “субсидия ҚҚСдан қарздорлиги мавжуд бўлмаган, шунингдек, контрагентнинг солиқ органларида ҚҚС тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтган тақдирда ажратилади” деб кўрсатилганлиги, бундан ташқари, “Акобир Агро хизмат” фермер хўжалиги ҚҚС тўловчиси сифатида рўйхатдан



ўтганлиги, ушбу хўжалик томонидан ҚҚС тўловчиси сифатида солиқ органларидан рўйхатдан ўтмаган 9 та контрагентларга реализация қилинган 232.706 кг. гўшт маҳсулотлари учун жами 930.800.000 сўмлик субсидия маблағларини ВМнинг 434-сонли қарори билан тасдиқланган низом талабларига зид равишда олганлиги ҳамда нақд пул тушуми кирим қилинмаганлиги аниқланганлиги, текширишда фермер хўжалиги томонидан тақдим қилинган хужжатлар ва солиқ органида мавжуд маълумотларга кўра 2021 йил 1 июндан 2022 йил 1 июлгача 15 та расмийлаштирилган электрон ҳисобварақ-фактуралар орқали жами 4.886.698.400 сўмлик ҚҚСсиз 133.921,0 кг. гўшт маҳсулотлари сотилган бўлиб, шундан ВМнинг 434-сонли қарори билан тасдиқланган низом талаблари асосида субсидия ажратилган ойлarda 10 та расмийлаштирилган электрон ҳисобварақ-фактуралар орқали сотилган гўшт маҳсулотлари 98.684,0 кг. 3.604.314.300 сўмни ҚҚСсиз ташкил қилганлиги, шунингдек, 4 та бир томонлама расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактура орқали жами 3.482.010.000 сўмлик 96.630,0 кг. гўшт маҳсулотлари нақд пулда сотилганлиги аниқланганлиги, фермер хўжалигига хизмат кўрсатаётган тижорат банкларида олинган маълумотларга кўра, фермер хўжаликнинг ҳисоб рақамига Иштихон туман МТБдан 369.000.000 сўм ва “Ягона кафе” МЧЖдан 8.900.000 сўм гўшт учун деб нақд пул маблағлари топширилганлиги аниқланганлиги, гўшт маҳсулотларини сотишдан тушган тушим деб нақд пул маблағлари кирими мавжуд бўлмаганлиги аниқланганлиги, шунингдек фермер хўжалиги номида солиқ органларида НКМ ёки онлайн назорат касса машинаси рўйхатдан ўтказилмаганлиги аниқланганлиги, шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 221-моддасига асосан талаб қилинган мажбуриятлар бажарилмаганлиги сабабли 5.000.000 сўм миқдорида жарима қўлланилиши лозим бўлганлиги, СКнинг 223-моддасига асосан 20 фоиз 696.402.000 сўм жарима қўлланилиши ҳамда 15 фоизли ставка 522.301.500 сўм қўшилган қиймат солиғи ҳисобланиши лозимлиги аниқланганлиги, 2022 йил 28 февраль куни бир томонлама расмийлаштирилган 9-сонли электрон ҳисобварақ-фактура орқали сотилган 1.084.500.000 сўмлик ҚҚСсиз гўшт маҳсулотларидан 1.051.650.000 сўми ҚҚС ҳисоботларида акс этирилмасдан қолганлиги аниқланганлиги, У.Хонназаров ва Ф.Турсуновлар текшириш далолатномасига имзо қўйишдан бош тортганлиги сабабли манзилига текшириш далолатномаси нусхаси почта орқали юборилганлиги, текшириш ўтказишда хўжалик раҳбари билан учрашиб хужжатларни сўраб олганлиги, текшириш далолатномасига яшириш эмаслигини пулни кечикитириб топширганлигини айтиб эътироз билдирганлиги, ушбу текшириш далолатномаси юзасидан хўжалик раҳбари маъмурий судга ҳам ариза берганлиги, уни текшириш далолатномасидаги 6 миллиард. сўм маъмурий суд томонидан чиқариб ташланганлиги, НКМ бўйича 5.000.000 сўмлик жарима қолганлиги, ўтказилган текширишни 2023 йил 23 январда бошлаганлиги, У.Хонназаров касса аппаратини олиш учун мурожаат қилганлигини унга ҳам текшириш вақти айтганлиги, бироқ мурожаат



қилганлиги бўйича далил тақдим қилмаганлиги, тафтишни 30 иш кунидан оширмаган холда тугатганлиги, ўтказган тафтиш бўйича муддат олмасдан вақтида топширганлиги, сотилган гўшт маҳсулотларини пулини банкка вақтида кирим қилмаганлиги аксинча кейинчалик кирим қилганлиги, бироқ у бундай холда кеч топширилганлигини инобатга олмаслиги, текшириш муддатини қонунда 30 иш куни деб белгиланганлиги, текшириш муддатини ортиқча 10 куни учун терговдан муддат сўрамаганлигини баён қилди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ З.Халилов ўз кўрсатувида куйидагиларни, яъни у Самарқанд вилоят Давлат молиявий назорат бошқармасининг бош назоратчи-тафтишчиси бўлиб ишлашлиги, Самарқанд вилоят прокуратурасининг 2022 йил 30 ноябрдаги 21/84зр-22-сонли хатига асосан Самарқанд вилоят Давлат молиявий назорат бошқармасининг 2023 йил 4 январдаги 4-сонли буйруғига асосан вилоят прокуратураси томонидан Иштихон туманидаги “Сафарбой Тиркашев” ҳамда “Акобир Агро хизмат” фермер хўжаликларига тегишли бўлган маълумотлар ва ҳужжатлар юзасидан 2023 йил 9 январь кунидан 23 январь кунига қадар ўрганиш ўтказилганлиги, ушбу фермер хўжаликларида олдинги ўтказилган ўрганиш Самарқанд вилоят Давлат молиявий назорат бошқармасининг 2022 йил 17 ноябрдаги 514-сонли буйруғига асосан у томонидан Самарқанд вилоят прокуратурасининг 2022 йил 21 октябрдаги 11.1/8-22-сонли хатига асосан ўрганиш ўтказилганида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 июлдаги 434-сонли Қарори билан тасдиқланган “Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларга улар томонидан етиштирилган ва сотилган маҳсулотлар учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига риоя этилмаган ҳолда Иштихон туманидаги “Сафарбой Тиркашев” ҳамда “Акобир Агро хизмат” фермер хўжаликларига 2021 йил 1 июндан 2022 йил 1 июлгача бўлган даврда ажратилган субсидия маблағлари асослилиги ўрганилганида ушбу фермер хўжаликлари томонидан контрагентларга сотилган тирик вазндаги 639.620 кг. гўшт маҳсулотлари учун жами 2.588.480.000 сўм давлат бюджетидан субсидия маблағлари асоссиз нотўғри тўлаб берилганлиги маълум бўлганлиги, контрагентларга 2021 йил 1 июндан 2022 йил 1 июлгача бўлган даврда “Сафарбой Тиркашев” фермер хўжалиги томонидан реализация қилинган тирик вазнга айлантирилган 406.914 кг. гўшт маҳсулоти учун давлат бюджетидан 1.627.656.000 сўм субсидия асоссиз нотўғри тўлаб берилганлиги, худди шундан “Акобир Агро Хизмати” фермер хўжалиги томонидан контрагентларга 2021 йил 1 июндан 2022 йил 1 июлгача бўлган даврда реализация қилинган тирик вазнга айлантирилган 232.706 кг. гўшт маҳсулоти учун давлат бюджетидан 930.824.000 сўм субсидия маблағлари асоссиз нотўғри тўлаб берилганлиги, Самарқанд вилоят давлат солиқ бошқармаси Солиқ назорати бўлими Солиқ аудити шуъбаси томонидан жиноят иши юзасидан ҳужжатли тафтиш ўтказилганида “Сафарбой Тиркашев” фермер хўжалига 2021 йил 1 июндан 2022 йил 1 июлгача бўлган даврда реализация қилинган тирик вазнга айлантирилган 484.219,1 кг гўшт



маҳсулоти учун давлат бюджетидан жами 1.886.869.400 сўм субсидия маблағлари тўлаб берилган даврда ушбу фермер хўжалигининг ҳисоб рақамига “Ботирбек” МЧЖдан 130.300.000 сўм Иштихон туман МТБдан 613.902.500 сўм, “Акобир Агро Хизмати” фермер хўжалигидан 269.300.000 сўм ва “Ботирбекхон” МЧЖдан 900.000.000 сўм жами 1.913.502.500 сўм гўшт ва озиқ-овқат маҳсулотлари учун деб пул маблағлари келиб тушганлиги аниқланганлиги, “Сафарбой Тиркашев” фермер хўжалиги томонидан 2021 йил 1 июндан 2022 йил 1 июлгача бўлган даврда бир томонлама расмийлаштирилган ҳисоб варақ-фактуралар орқали жами 190.025,0 кг 6.899.853.600 сўмлик гўшт маҳсулотлари сотилганлиги, лекин ушбу даврда ҳисоб рақамига гўшт маҳсулотлари сотишдан тушган тушим деб нақд пул маблағи кирим қилинмаганлиги аниқланганлиги, ушбу ҳолатда 190.025 кг. Х100/55 тирик вазни 345.500 кг. ташкил этиб, 345.500 кг Х4000 1.382.000.000 сўм сотилган гўшт маҳсулотдан тушган маблағ ўз вақтида тўланмаганлиги учун субсидия маблағи ортиқча олинганлиги, “Сафарбой Тиркашев” фермер хўжалиги томонидан асосий ҳисоб рақамига гўшт маҳсулоти сотишдан тўланмай қолган маблағ ҳисобидан 2022 йил 1 июлдан сўнг 6.899.853.600 сўм - 5.714.613.600 сўм тўланган маблағдан жами 1.185.240.000 сўм маблағ 32.923 кг.Х100/55 тирик вазни 59.860 кг. ташкил этиб, 59.860 кг. Х4000 239.442.400 сўм сотилган гўшт маҳсулотдан тушган маблағ ўз вақтида тўланмаганлиги учун субсидия маблағи ортиқча олинганлиги, “Сафарбой Тиркашев” фермер хўжалигига 2021 йил 1 июндан 2022 йил 1 июлгача реализация қилинган тирик вазнига айлантирилган 484.219,1 кг. гўшт маҳсулоти учун давлат бюджетидан жами 1.886.896.400 сўм субсидия маблағлари тўлаб берилган бўлиб, ушбу даврда “Сафарбой Тиркашев” фермер хўжалиги ва О.Мамаюсупов томонидан сўйдирилган жами 46 дона йирик шохли ва майда шохли молларнинг тирик вазни ўртача 400 кг. дан жами 18.400 кг. учун 4000 сўмдан 73.600.000 сўм субсидия маблағлари ҳисобланиши лозим бўлсада “Сафарбой Тиркашев” фермер хўжалигига жами 1.813.296.400 сўм ортиқча ҳисобланганлиги, ўрганишда “Сафарбой Тиркашев” фермер хўжалиги ва О.Мамаюсупов томонидан қўшхонага келтирилган қорамолларни ветеринария клиник текширувидан ўтказиш учун юритилган дафтарда 2021 йил 11 октябрдан 2022 йил 3 июлгача жами 70 бош қорамол сўйилганлиги, шундан 7 бош қорамол “Сафарбой Тиркашев” фермер хўжалигига қолган 63 бош қорамол О.Мамаюсуповга қайд этилганлиги, “Сафарбой Тиркашев” фермер хўжалиги ва О.Мамаюсупов томонидан қўшхонага келтирилган қорамолларни ветеринария клиник текширувидан ўтказиш учун юритилган дафтарда 2021 йил 11 октябрдан 2022 йил 31 декабргача жами 127 дона тирик вазнига ўртача 400 кг.дан жами 28.000 кг учун 4000 сўмдан 203.200.000 сўм субсидия маблағи ҳисобланиши лозим бўлсада “Сафарбой Тиркашев” фермер хўжалигига жами 1.683.696.400 сўм субсидия сўйилган йирик шохли ва майда шохли молларни тирик вазнига нисбатан ортиқча олганлиги аниқланганлиги, бундан ташқари, “Акобир Агро Хизмати” фермер хўжалигига 2021 йил 1 июндан 2022 йил 1 июлгача реализация қилинган



тирик вазнга айлантирилган 234.196,4 кг. гўшт маҳсулоти учун давлат бюджетидан жами 930.824.000 сўм субсидия маблағи тўлаб берилган даврда ушбу фермер хўжалигининг ҳисоб-рақамига “Ягона кафе” МЧЖдан 8.900.000 сўм ҳамда Иштихон туман МТБдан 369.000.000 сўм жами 377.900.000 сўм гўшт ва озиқ-овқат маҳсулотлари учун пул маблағи келиб тушганлиги, гўшт маҳсулотларидан сотишдан тушган тушим деб нафқ пул маблағи кирим қилинмаганлиги, ушбу даврда бир томонлама расмийлаштирилган ҳисоб варақ-фактуралар орқали жами 96.630,0 кг. 3.604.660.000 сўм гўшт маҳсулотлари сотилган бўлиб, сотишдан тушган тушим деб нақд пул кирим қилинмаганлиги, ушбу ҳолатда тирик вазни 175.69 кг. гўшт маҳсулотларидан 702.763.600 сўм маблағ ўз вақтида тўланмаганлиги учун субсидия маблағи ортиқча олинганлиги, “Акобир Агро Хизмати” фермер хўжалигига 2021 йил 1 июндан 2022 йил 1 июлгача реализация қилинган тирик вазнга айлантирилган 234.196,4 гўшт маҳсулоти учун давлат бюджетидан жами 930.824.000 сўм субсидия маблағлари тўлаб берилган бўлиб, ушбу даврда “Акобир Агро Хизмати” фермер хўжалигига сўйдирилган жами 61 дона йирик ва майда шохли молларнинг тирик вазни ўртача 400 кг. дан жами 24.400 кг. учун 4000 сўмдан 97.600.000 сўм субсидия маблағи ҳисобланиши лозим бўлсада, жами 833.244.000 сўм субсидия маблағлари ортиқча олинганлиги, ўрганишда “Акобир Агро Хизмати” фермер хўжалигига А.Абдураимов номи билан келтирилган йирик ва майда шохли моллар ветеринария клиник текширувидан ўтказиш учун юритилган дафтарда 2021 йил 25 майдан 2022 йил 2 июлгача жами 260 бош қорамол сўйилганлиги, 2021 йил 1 июндан 2022 йил 1 июлгача бўлган даврда раелизация қилинган тирик вазнига айлантирилган 234.196,4 кг. гўшт маҳсулоти учун давлат бюджетидан жами 930.824.000 сўм субсидия маблағлари тўлаб берилган бўлиб, “Акобир Агро Хизмати” фермер хўжалигига А.Абдураимов номи билан келтирилган йирик ва майда шохли моллар ветеринария клиник текширувидан ўтказиш учун юритилган дафтарда 2021 йил 25 майдан 2022 йил 31 декабргача сўйилган жами 432 дона тирик вазни ўртача 400 кг.дан жами 172.800 кг. учун 4000 сўмдан 691.200.000 сўм субсидия маблағи ҳисобланиши лозим бўлсада “Акобир Агро Хизмати” фермер хўжалигига жами 239.624.000 сўм субсидия ортиқча олинганлиги аниқланганлиги, субсидия ажратилишини шартларидан бири нақд пул маблағлари касса аппаратида ўтказилиши кераклиги кўрсатилганлиги, нақд пул касса аппарати орқали ўтказилмаса низом талабига зид ҳисобланиб субсидия ажратилмаслиги лозимлиги, у 2 марта текшириш эмас ўрганиш ўтказганлиги, биринчиси 3 кун, иккинчиси 7 кун давом этганлиги, у қилинган маълумотномага асосан хулоса қилиб берганлиги, уни тадбиркорлик фаолиятини текшириш ваколатига кирмаслиги, “Сафарбой Тиркашев” фермер хўжалигига гўшт ва сут маҳсулотлари учун ажратилган субсидия маблағини алоҳида қилиб ажратганлиги, 86 та контрагентликларнинг маълумотини солиқ аудити текширувининг хулосасидан олганлиги, субсидия ажратилган рўйхатда кўрсатилган контрагентликлар 3 мартадан 86 марта айлантириб



кўрсатилганлиги, кириш бўлмаган нақд пулга субсидия маблағларини нотўғри олганлигини баён қилди.

Бундан ташқари, судланувчи У.Хонназаров ва Ф.Турсуновларнинг жиноят содир этганликдаги айби жиноят иши 1-жилд 8-17-варақларидаги ўтказилган текшириш натижаси бўйича хулоса ва далолатнома, 62-78-варақларидаги ўтказилган ўрганиш хулосаси ва оралиқ далолатномаси ҳамда уларга илова қилинган ҳужжатлар, 2-жилд 77-94, 101-117-варақларидаги ҳужжатли тафтиш ўтказиш далолатномалари ва уларга илова қилинган ҳужжатлар, 124-139-варақларидаги ўтказилган ўрганиш хулосаси, маълумотномаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар, 166-169-варақларидаги ўрганиш бўйича мутахассис хулосаси, 253-268-варақларидаги ҳужжаларни асл нусхасини олиш ва кўздан кечириш баённомаси ҳамда унга илова қилинган қайд дафтар нусхаси, тушунтириш хатлари ва сўроқ баённомалари каби иш бўйича тўпланган ишончга сазовор далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топади.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи У.Хонназаровнинг айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганиш жуда кўп миқдордаги мулкни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш ва ўзи фойдаланиш мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ва муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатларни такроран қалбакилаштириш ҳамда хизмат кўрсатиш қоидалари жуда кўп миқдордаги қийматда бузишда ифодаланган жиноий хатти-ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 189-моддаси 1-қисми, 228-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри, бироқ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Ф.Турсуновнинг айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганиш жуда кўп миқдордаги мулкни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш ва ўзи фойдаланиш мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ва муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатларни такроран қалбакилаштириш ҳамда хизмат кўрсатиш қоидалари жуда кўп миқдордаги қийматда бузишда ифодаланган жиноий хатти-ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 189-моддаси 1-қисми, 228-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри, бироқ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси диспозициясида “сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши, шундай мақсадларда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкаларини тайёрлаш ёхуд сотиш” учун жавобгарлик белгиланган.



Судланувчи У.Хонназаровнинг 2021 йил 1 июнь кунидан 2022 йил 1 июль кунига қадар бўлган даврда жами 190.025 кг. гўшт маҳсулотларини реализация қилинганлиги ҳақида жами 6.899.853.600 сўмлик бир томонлама ҳисоб-фактуралар расмийлаштириб, ушбу расмийлаштирилган бир томонлама ҳисоб-фактураларга ғаразгўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаган ҳолда гўёки қўшимча 59.860 кг. тирик вазндаги 1.185.240.000 сўмлик гўшт маҳсулотлари реализация қилинганлиги ҳақида такроран сохта маълумотларни қасддан киритган ҳолда тақдим қилиб, сохта ҳужжатлар тайёрлаш ва қалбакилаштиришда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а” банди билан қамраб олади ва ушбу жиноий ҳаракатларни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

Судланувчи Ф.Турсуновларнинг 2021 йил 1 июнь кунидан 2022 йил 1 июль кунига қадар бўлган даврда жами 96.630 кг. гўшт маҳсулотларини реализация қилинганлиги ҳақида жами 3.482.100.000 сўмлик бир томонлама ҳисоб-фактуралар расмийлаштириб, ушбу расмийлаштирилган бир томонлама ҳисоб-фактураларга ғаразгўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаган ҳолда гўёки қўшимча 61.369,4 кг. тирик вазндаги гўшт маҳсулотлари реализация қилинганлиги ҳақида такроран сохта маълумотларни қасддан киритган ҳолда тақдим қилиб, сохта ҳужжатлар тайёрлаш ва қалбакилаштиришда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а” банди билан қамраб олади ва ушбу жиноий ҳаракатларни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

Шу боис, суд У.Хонназаров ва Ф.Турсуновларнинг ҳаракатида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноят аломати йўқлиги сабабли, уларнинг айбловидан ушбу моддани чиқариб, ишнинг шу қисмини ҳаракатдан тугатишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи У.Хонназаров ва Ф.Турсуновларнинг суд мажлисида ўз айбига умуман иқрорлик билдирмасдан “...субсидия ажратилиш тўғрисидаги низомда маҳсулотни пули кеч топширса нотўғри ажратилган ҳисобланиши кўрсатилмаганлиги, касса аппарати бўлмаганидан сўнг фуқароларга бир томонлама шартнома қилиб тузганлиги, бу эса ҳужжатни сохталаштиришга кирмаслиги” деб берган кўрсатуви, суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳларни кўрсатувлари ва жиноят иши 1-жилд 8-17-варақларидаги ўтказилган текшириш натижаси бўйича хулоса ва далолатнома, 62-78-варақларидаги ўтказилган ўрганиш хулосаси ва оралиқ далолтномаси ҳамда уларга илова қилинган ҳужжатлар, 2-жилд 77-94, 101-117-варақларидаги ҳўжжатли тафтиш ўтказиш далолтномалари ва уларга илова қилинган ҳужжатлар, 124-139-варақларидаги ўтказилган ўрганиш хулосаси, маълумотномаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар, 166-169-варақларидаги ўрганиш бўйича мутахассис хулосаси, 253-268-



варақларидаги хужжаларни асл нусхасини олиш ва кўздан кечириш баённомаси ҳамда унга илова қилинган қайд дафтар нусхаси билан тўлиқ рад қилиниб, уларнинг ушбу кўрсатувларини жиноий жавобгарликдан қутилиш учун ўйлаб топган важлари сифатида танқидий баҳолаб, ишончга сазовор эмас деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи У.Хонназаровга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, гарча айбига иқрорлик билдирмасада, зарарлар тўлиқ қопланганлигини, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига кўра жазони оғирлаштирувчи ҳолатларни эътироф этмади.

Суд, судланувчи У.Хонназаровга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорида белгиланган раҳбарий тушунтиришларга амал қилиб, судланувчи У.Хонназаровнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омилларни, жазосини енгиллаштирувчи ҳолатларни, содир этилган қилмишнинг сабабларини, етказилган зарар қопланганлигини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳуқуқий баҳолаб, у айбли деб топилаётган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми, 189-моддаси 1-қисми ва 228-моддаси 2-қисми санкцияларида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари тайинлашни, ЖКнинг 59-моддаси тартибида, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан ўташ учун узил-кесил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи У.Хонназаров ушбу жиноятни гарчи эгаллаб турган лавозими ва хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда содир этган бўлса-да, бироқ у тадбиркорлик субъекти ходими бўлганлиги сабабли, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддаси 5-қисмига мувофиқ муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасида қўшимча жазо қўлламасликни лозим топади.

Суд, судланувчи У.Хонназаровга нисбатан дастлабки тергов органи томонидан қўлланилган гаров эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни ҳамда гаров учун судланувчи У.Хонназаров томонидан Самарқанд вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб-рақамига қўйилган 6.057.600 (олти миллион элик етти минг олти юз) сўм пул маблағлари унинг ўзига қайтаришни лозим топади.

Суд, судланувчи Ф.Турсуновга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, гарча айбига иқрорлик билдирмасада, зарарларнинг аксарият қисми қопланганлигини, оилали бўлиб қарамоғида тўрт нафар фарзандлари борлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига кўра жазони оғирлаштирувчи ҳолатларни эътироф этмади.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунидаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарори 37-бандида “Жиноят кодексининг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин. Бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитини ҳам эътиборга олишлари лозим”лиги белгиланган.

Суд, судланувчи Ф.Турсунов гарча айбига иқрорлик билдирмасда унинг қарамоғида тўрт нафар фарзандлари борлигини, етказилган зарарни аксарият қисми қопланганлигини, шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омилларни, жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатларни, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини ҳуқуқий баҳолаб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида назарда тутилмаган енгилроқ озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси ва 228-моддаси 2-қисми санкцияларида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида жиноятлар мажмуи бўйича тайинланган жазоларни қисман қўшиш орқали озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ф.Турсунов ушбу жиноятни гарчи эгаллаб турган лавозими ва хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда содир этган бўлса-да, бироқ у тадбиркорлик субъекти ходими бўлганлиги сабабли, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддаси 5-қисмига мувофиқ муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасида қўшимча жазо қўлламаслиқни лозим топади.

Суд, судланувчи Ф.Турсуновга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 3-қисмига мувофиқ қўлланилаётган тақиқнинг (чеклашнинг) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уни содир этган жинояти оғир жиноят турига киришини инобатга олиб, судланувчи Ф.Турсуновга назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ҳар куни соат 23:00 дан эрталаб соат 06:00 гача чиқишини чеклашни, яшаш жойини ўзгартирмаслик, Самарқанд вилоят ҳудудини тарк этмаслиқдан иборат қўшимча чеклашлар ҳамда унга икки ой муддат давомида тўланмаган зарарни тўлаш мажбуриятини юклатишни лозим топади.

Суд, судланувчи Ф.Турсуновга нисбатан дастлабки тергов органи томонидан қўлланилган гаров эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни ҳамда гаров учун судланувчи Ф.Турсунов томонидан Самарқанд вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб-рақамига



қўйилган 6.000.000 (олти миллион) сўм пул маблағлари унинг ўзига қайтаришни лозим топади.

Суд, судланувчи Ф.Турсуновдан давлат ҳисобига 29.624.000 (йигирма тўққиз миллион олти юз йигирма тўрт минг) сўм зарарни ундиришни лозим топади.

Суд, судланувчи У.Хонназаров томонидан етказилган зарар учун Самарқанд вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб-рақамига тўланган 239.442.400 (икки юз ўттиз тўққиз миллион тўрт юз қирқ икки минг тўрт юз) сўм пул маблағларини давлат фойдасига ўтказишни лозим топади.

Суд, судланувчи Ф.Турсунов томонидан етказилган зарар учун Самарқанд вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб-рақамига тўланган 210.000.000 (икки юз ўн миллион) сўм пул маблағларини давлат фойдасига ўтказишни лозим топади.

Суд, ашёвий далил деб эътироф этилган қўл ёзма ҳужжатлар жиноят иши ҳужжатларида сақланаётганлигини эътироф этишни лозим топади.

Суд, фуқаровий даъвогар А.Ташкуловга судланувчиларнинг жиноий қилмиши натижасида етказилган маънавий ёки бошқа моддий зарарларни ундириш масаласида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 276-моддаси 5-қисмига мувофиқ фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471, 472, 473-моддаларига амал қилиб суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

1. Судланувчи Хонназаров Уктам Тиркашевич (Xonnazarov Uktam Tirkashevich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 189-моддаси 1-қисми, 228-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Хонназаров Уктам Тиркашевичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан иш ҳақининг 20 (йигирма) фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Судланувчи Хонназаров Уктам Тиркашевичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 (йигирма) фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Судланувчи Хонназаров Уктам Тиркашевичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а” банди билан иш ҳақининг 20 (йигирма) фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида, жиноятлар мажмуи бўйича тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан ўташ учун узил-кесил иш ҳақининг 20 (йигирма) фоиз миқдорини давлат



даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси Иштихон туман ИИБ пробация гуруҳи томонидан ўз иш жойида ўтатириш белгилансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ижросини таъминлаш Иштихон туман ИИБ пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Жазо муддати ҳукм ижрога қаратилиб, иш ҳақи ушланган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Хонназаров Уктам Тиркашевичга нисбатан дастлабки тергов органи томонидан қўлланилган гаров эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин ҳамда гаров учун судланувчи Хонназаров Уктам Тиркашевич томонидан Самарқанд вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб-рақамига қўйилган 6.057.600 (олти миллион эллик етти минг олти юз) сўм пул маблағлари ўзига қайтарилсин.

2. Судланувчи Турсунов Фарход Шакарбоевич (Tursunov Farhod Shakarboyevich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 189-моддаси 1-қисми, 228-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Турсунов Фарход Шакарбоевичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи Турсунов Фарход Шакарбоевичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 (йигирма) фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Судланувчи Турсунов Фарход Шакарбоевичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а” банди билан иш ҳақининг 20 (йигирма) фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида, жиноятлар мажмуи бўйича тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан ўташ учун узил-кесил 3 (уч) йил озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

Судланувчи Турсунов Фарход Шакарбоевич Иштихон тумани, Митан кўрғони, Гулистон кўчаси, 21-уйда жойлашган яшаш уйидан ҳар куни соат 23:00 дан эрталаб соат 06:00 гача чиқиши чеклансин.

Судланувчи Турсунов Фарход Шакарбоевичга:

-назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-Самарқанд вилоят ҳудудини тарк этмасликдан иборат қўшимча чеклашлар юклатилсин.

- Турсунов Фарход Шакарбоевичга икки ой муддат давомида тўланмаган зарарни тўлаш мажбурияти юклатилсин.



Судланувчи Турсунов Фарход Шакарбоевичнинг хулқи устидан назорат олиб бориш Иштихон туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Жазо муддати, суд ҳукми ижрога қабул қилинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Турсунов Фарход Шакарбоевичга нисбатан дастлабки тергов органи томонидан қўлланилган гаров эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин ҳамда гаров учун судланувчи Турсунов Фарход Шакарбоевич томонидан Самарқанд вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб-рақамига қўйилган 6.000.000 (олти миллион) сўм пул маблағлари ўзига қайтарилсин.

Судланувчи Турсунов Фарход Шакарбоевичдан давлат фойдасига 29.624.000 (йигирма тўққиз миллион олти юз йигирма тўрт минг) сўм зарар ундирилсин.

Судланувчи У.Хонназаров томонидан етказилган зарар учун Самарқанд вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб-рақамига тўланган 239.442.400 (икки юз ўттиз тўққиз миллион тўрт юз қирқ икки минг тўрт юз) сўм пул маблағлари давлат фойдасига ўтказилсин.

Судланувчи Турсунов Фарход Шакарбоевич томонидан етказилган зарар учун Самарқанд вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб-рақамига тўланган 210.000.000 (икки юз ўн миллион) сўм пул маблағлари давлат фойдасига ўтказилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган қўл ёзма ҳужжатлар жиноят иши ҳужжатларида сақланаётганлиги эътироф этилсин.

Фуқаровий даъвогар Тошқулов Акрам Джурабаевичга жиноят оқибатида етказилган маънавий ёки бошқа моддий зарарларни ундириш юзасидан даъвоси бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 276-моддаси 5-қисмига мувофиқ фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Раислик қилувчи, судья:

(имзо)

К.Пансатов

Аслига тўғри:

